ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг

# ҚОНУНИ

# СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

2) СССР Министрлар Советининг Раисини тайинлайди, унинг тақдимига биноан СССР Министрлар Советининг составини тасдиқлайди, унга ўзгартишлар киритади; СССР Министрлар Советининг таклифига биноан СССР министрликларини ва СССР давлат комитетларини тузади ҳамда тугатади;

3) СССР Мудофаа Кенгашини тузади ва унинг составини тасдиқлайди; СССР Қуролли Кучларининг олий қўмондонлигини тайинлайди ва ўзгартиради;

4) СССР Халқ контроли комитетини, СССР Олий судини сайлайди, СССР бош прокурорини, СССР давлат бош арбитрини тайинлайди; СССР прокуратураси коллегиясини ва СССР давлат арбитражи коллегиясини тасдиқлайди;

5) ўзи тузадиган ёки сайлайдиган органларнинг, шунингдек ўзи тайинлайдиган мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини мунтазам тинглаб боради;

6) бутун СССР территориясида қонунларни тартибга солиш бирлигини таъминлайди, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонун асосларини белгилайди;

7) мулкчилик муносабатларини халқ хўжалиги ва социал-маданий қурилишни бошқаришни ташкил этишни, бюджет-молия системасини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нарх белгиланишини, солиқ солинишини, атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишини ва табиий ресурслардан фойдаланилишини, гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари ва вазифалари амалга оширилишини тартибга солиш ССР Иттифоқининг ихтиёрига берилган бошқа муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиб туради;

8) СССР Қонунларини талқин этади;

9) республика ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва бошқаруви фаолиятининг умумий негизларини белгилайди ва асосий йўналишларини аниқлайди; жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий статусини аниқлаб беради;

10) миллий ва миллатлараро муносабатларнинг энг муҳим масалаларини кўриб чиқади;

11) СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш истиқбол давлат планлари ва энг муҳим умумиттифоқ программаларининг лойиҳаларини СССР халқ депутатлари съездининг тасдиғига тақдим этади; СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларини, СССР Давлат бюджетини тасдиқлайди; план ва бюджет қандай бажарилаётганини контрол қилади; уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди; зарурат бўлган тақдирда план ва бюджетга ўзгартишлар киритади;

12) СССРнинг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилади;

13) ажнабий давлатларга қарз, иқтисодий ва бошқа ёрдам бериш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

14) мудофаа ва давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги асосий тадбирларни белгилайди; умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилади; СССРга ҳарбий ҳужум бўлган тақдирда ёки агрессиядан ўзаро мудофаа хусусидаги халқаро шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилган тақдирда уруш ҳолатини эълон қилади;

15) тинчлик ва хавфсизликни сақлаш хусусидаги халқаро шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилган тақдирда СССР Қуролли Кучлари қисмларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

16) ҳарбий унвонлар, дипломатик ва бошқа махсус унвонларни белгилайди;

17) СССР орден ва медалларини таъсис этади; СССРнинг фахрий унвонларини белгилайди;

18) амнистия тўғрисида Умумиттифоқ ҳужжатларини чиқаради;

19) СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

20) иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг қарорлари ва фармойишлари СССР Конституциясига ва қонунларига мувофиқ келмаган тақдирда, уларни бекор қилади;

21) ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган бошқа масалаларни ҳал этади, фақат СССР халқ депутатлари съездининг ихтиёрига берилган масалалар бундан мустаснодир.

СССР Олий Совети СССР Қонунларини ва қарорларини қабул қилади.

СССР Олий Совети томонидан қабул этилган қонунлар ва қарорлар СССР халқ депутатларининг съезди томонидан қабул қилинган қонунларга ва бошқа ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмас.

**114-модда.** СССР халқ депутатлари съездида ва СССР Олий Советида қонун лойиҳасини таклиф қилиш ҳуқуқи СССР халқ депутатларига, Иттифоқ Советига, Миллатлар Советига, СССР Олий Советининг Президиумига, СССР Олий Советининг Раисига, СССР Министрлар Советига, иттифоқдош республикаларнинг давлат ҳокимияти олий органлар орқали иттифоқдош республикаларига, СССР Олий Советининг комитетларига ва унинг палаталари доимий комиссияларига, СССР халқ контроли комитетига, СССР Олий судига, СССР бош прокурорига, СССР давлат бош арбитрига берилади.

Жамоат ташкилотларининг умумиттифоқ органлари ва СССР Фанлар академияси ҳам қонун лойиҳасини таклиф қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

**115-модда.** СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун тақдим этилган қонун лойиҳалари палаталар томонидан уларнинг алоҳида-алоҳида ёки қўшма мажлисларида муҳокама қилинади. Палаталардан ҳар бирида палата аъзолари кўпчилигининг овозини олган СССР қонуни қабул қилинган ҳисобланади.

Қонунларнинг лойиҳалари ва давлат турмушининг бошқа энг муҳим масалалари СССР Олий Советининг ўз ташаббуси билан ёки иттифоқдош республика давлат ҳокимияти олий органи орқали иттифоқдош республика таклифи билан қабул қилган қарорига мувофиқ умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин.

**116-модда.** СССР Олий Советининг ҳар бир палатаси СССР Олий Советига тааллуқли бўлган ҳар қандай масалаларни кўриб чиқишга ҳақлидир.

Бутун мамлакат учун умумий аҳамиятга эга бўлган социал-иқтисодий ривожланиш ва давлат қурилиши масалалари; СССР гражданларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига оид масалалар; ташқи сиёсат масалалари; мудофаа ва СССР давлат хавфсизлиги масалалари, энг аввало, Иттифоқ Советида кўриб чиқилиши керак.

Республикалар, автоном областлар ва автоном округларни социал-иқтисодий ривожлантириш; миллий маданият ва интернационал тарбия; миллий тенг ҳуқуқлиликни, миллатлар, элатлар ва миллий группаларнинг манфаатларини кўп миллатли Совет давлати умумий манфаатлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминлаш, миллий муносабатларни тартибга солиб турувчи қонунларни такомиллаштириш масалалари, энг аввало Миллатлар Советида кўриб чиқилиши керак.

Палаталардан бирида қабул қилинган қарор бошқа палатага берилади ва бу палата ҳам маъқуллагандан кейин, СССР Олий Советининг қарори кучига эга бўлади.

**117-модда.** Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ўртасида келишмовчилик чиққан тақдирда, масала палаталар тенг асосда ташкил этадиган келиштириш комиссиясига ҳал этиш учун топширилади, шундан кейин масала Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлисида иккинчи марта кўриб чиқилади. Башарти, шунда ҳам палаталарнинг розилигига эришилмаса, масала СССР Халқ депутатлари съездида кўриб чиқиш учун қолдирилади.

**118-модда.** СССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Советига ҳисоб берадиган орган бўлиб, СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети ишини ташкил этишни таъминлайди, СССР Конституцияси ва қонунларида кўзда тутилган доираларда бошқа ваколатларни амалга оширади.

СССР Олий Совети Президиуми составига лавозимига кўра: СССР Олий Советининг Раиси, СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Раиснинг ўн бешта ўринбосари — иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Раислари Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Раислари, СССР Халқ контроли комитетининг Раиси, СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг ва СССР Олий Совети комитетларининг раислари киради.

СССР Олий Совети Президиумига СССР Олий Советининг Раиси бошчилик қилади.

**119-модда.** СССР Олий Совети Президиуми:

1) СССР Олий Советининг сессиясини чақиради;

2) СССР халқ депутатлари съезди мажлислари ва СССР Олий Совети сессияларига тайёргарликни ташкил этади;

3) палаталар доимий комиссиялари ва СССР Олий Совети комитетларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

4) СССР халқ депутатлари ўз ваколатларини амалга оширишларида уларга кўмаклашади ҳамда уларни зарур маълумотлар билан таъминлаб туради;

5) умумхалқ овоз бериши (референдумлари), шунингдек СССР қонунлари лойиҳалари ҳамда давлат турмушининг бошқа энг муҳим масалаларини умумхалқ муҳокамасига тайёргарлик ва уни ўтказишни ташкил этади;

6) олий ҳарбий унвонлар, дипломатик даражалар ва бошқа махсус унвонларни беради;

7) СССР орден ва медаллари билан мукофотлайди, СССР фахрий унвонлари беради;

8) СССР гражданлигига қабул қилади; СССР гражданлигидан чиқиш ва СССР гражданлигидан маҳрум этиш ҳақидаги, бошпана бериш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилади;

9) авф этишни амалга оширади;

10) СССРнинг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик вакилларини тайинлайди ва чақириб олади;

11) СССР Олий Совети ҳузуридаги чет давлатлар дипломатик вакилларининг ишонч ёрлиқлари ва чақириб олиш ёрлиқларини қабул қилади;

12) СССР Олий Советининг сессиялари ўртасидаги даврда умумий ёки қисман сафарбарликни эълон қилади; СССРга ҳарбий ҳужум бўлган тақдирда ёки агрессиядан бир-бирини мудофаа қилиш тўғрисидаги халқаро шартномалар юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш зарур бўлиб қолган тақдирда уруш ҳолати эълон қилади;

13) СССРни ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб айрим жойларда ёки бутун мамлакатда ҳарбий ёки фавқулодда ҳолат эълон қилади ва зарур бўлган тақдирда бошқаришнинг алоҳида формаларини жорий этади.

СССР Олий Совети Президиуми фармонлар чиқаради ва қарорлар қабул қилади.

**120-модда.** СССР Олий Советининг Раиси Совет давлатидаги олий мансабдор шахс бўлиб, мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан иш олиб боради.

СССР Олий Советининг Раисини СССР халқ депутатлари съезди СССР халқ депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга ва сурункасига кўпи билан икки муддатга сайлайди. У СССР халқ депутатлари съезди томонидан яширин овоз бериш йўли билан исталган вақтда чақириб олиниши мумкин.

СССР Олий Советининг Раиси СССР халқ депутатлари съездига ва СССР Олий Советига ҳисоб беради.

**121-модда.** СССР Олий Советининг Раиси:

1) СССР халқ депутатлари съездида ва СССР Олий Советида кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарликни амалга оширади; СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети қабул қилган СССР қонунлари ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

2) СССР халқ депутатлари съездига ва СССР Олий Советига мамлакатдаги аҳвол тўғрисида ҳамда СССР ички ва ташқи сиёсатининг, СССРнинг мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим масалалари тўғрисида доклад тақдим этади;

3) СССР халқ депутатлари съездига СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сайлаш учун номзодни тақдим этади, шунингдек СССР конституцияси назорат комитети шахсий состави тўғрисида таклиф киритади;

4) СССР Министрлар Советининг Раиси, СССР Халқ контроли комитетининг раиси, СССР Олий судининг раиси, СССР бош прокурори, СССР давлат бош арбитри лавозимларига тайинлаш учун номзодларни СССР Олий Советига тақдим этади, сўнгра эса ана шу мансабдор кишиларни тасдиқлаш учун СССР халқ депутатлари съездига тақдим этади;

5) СССР мудофаа кенгашига бошчилик қилади;

6) музокаралар олиб боради ва СССРнинг халқаро шартномаларини имзолайди;

7) СССР Конституцияси ва қонунларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

СССР Олий Советининг Раиси Фармойишлар чиқаради.

СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари ҳамда Раиснинг ўринбосарлари Раиснинг берган ваколатига мувофиқ унинг баъзи вазифаларини бажарадилар ва Раис бўлмаган тақдирда ёки ўз бурчини бажаришга имконияти бўлмаган тақдирда унинг ўрнига иш олиб борадилар.

**122-модда.** Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети СССР Олий Совети аъзолари, СССРнинг бошқа халқ депутатлари орасидан қонун лойиҳаларига оид ишларни олиб бориш, СССР Олий Совети ихтиёрига берилган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, шунингдек СССР қонунларини ҳамда СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети қабул қилган бошқа қарорларни амалга оширишга кўмаклашиш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини контрол қилиш учун палаталарнинг доимий комиссияларини сайлайди.

Ана шу мақсадларни кўзлаб СССР Олий Советининг палаталари баб-баравар асосларда СССР Олий Советининг комитетларини тузишлари мумкин.

СССР Олий Совети, унинг ҳар бир палатаси зарур деб ҳисоблаган тақдирда, ҳар қандай масала юзасидан тергов, ревизия комиссияларини ва бошқа комиссияларни тузади.

Ҳар йили СССР Олий Совети палаталари доимий комиссиялари ва Олий Совет комитетлари составининг бешдан бир қисмигача янгиланиб турилади.

**123-модда.** Қонунлар ва СССР халқ депутатлари съездининг, СССР Олий Советининг бошқа қарорлари, унинг палаталари қарорлари одатда лойиҳалар палаталарнинг тегишли доимий комиссияларида ёки СССР Олий Советининг комитетида дастлабки тарзда муҳокама қилингандан кейин қабул қилинади.

СССР Министрлар Совети, СССР Халқ контроли комитети, СССР Олий суди составига, СССР прокуратураси ва СССР давлат арбитражи коллегияларига мансабдор шахсларни сайлаш ва тайинлаш СССР Олий Совети палаталари тегишли доимий комиссиялари ёки СССР Олий Совети комитетларининг хулосаси бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Барча давлат ва жамоат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар СССР Олий Совети палаталари комиссияларининг, СССР Олий Совети комиссиялари ва комитетларининг талабларини бажаришга, зарур материаллар ва ҳужжатларни уларга тақдим этишга мажбурдирлар.

Комиссиялар ва комитетларнинг тавсиялари давлат ва жамоат органлари, муассасалар ва ташкилотлар томонидан албатта кўриб чиқилиши керак. Кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган чоралар ҳақида комиссиялар ва комитетларга улар белгилаган муддатда хабар қилиниши керак.

**124-модда.** СССР халқ депутати СССР халқ депутатлари съездининг мажлисларида ва СССР Олий Совети сессияларида сўров билан СССР Олий Советининг Раисига, СССР Министрлар Советига, СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети тузадиган ёки сайлайдиган бошқа органларнинг раҳбарларига мурожаат қилишга ҳақлидир. Сўров ўзига тегишли бўлган орган ёки мансабдор шахс съезднинг мазкур мажлисида ёки СССР Олий Советининг мазкур сессиясида уч кундан кечиктирмай оғзаки ёки ёзма жавоб беришга мажбурдир.

СССР халқ депутатлари СССР халқ депутатлари съездида, СССР Олий Советида, унинг палаталари, комиссиялари ва комитетларида, шунингдек аҳоли ўртасида депутатлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган муайян муддатга хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этилади. СССР Олий Совети составига сайланган СССР халқ депутатлари СССР Олий Советидаги ўзининг бутун ваколати давомида хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод қилинадилар.

СССР халқ депутати СССР Олий Советининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки унга суд йўли билан маъмурий жазо чоралари берилиши мумкин эмас.

**125-модда.** СССР Конституцион назорат комитети СССР халқ депутатлари съезди томонидан сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислардан 10 йил муддатга раис, раис ўринбосари ва комитетнинг 13 аъзосидан иборат составда сайланади.

СССР Конституцион назорати комитетига сайланган кишилар бир вақтнинг ўзида ҳужжатлари комитет томонидан назорат қилинадиган органлар составида бўла олмайдилар.

СССР Конституцион назорат комитетига сайланган кишилар ўз вазифаларини бажариш чоғида мустақилдирлар ва фақат СССР Конституциясига бўйсунадилар.

СССР Конституцион назорат комитети:

1) ўз ташаббуси билан ёки СССР халқ депутатлари съездининг топшириғига мувофиқ, съезд кўриб чиқиши лозим бўлган СССР Қонунлари лойиҳалари СССР Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларини съездга тақдим этади;

2) ўз ташаббуси билан, СССР халқ депутатлари съездининг топшириғига мувофиқ ёки СССР Олий Совети таклифига мувофиқ, СССР Олий Совети ва унинг палаталари актларининг, шунингдек, ана шу органлар актлари лойиҳаларининг СССР Конституциясига ва СССР халқ депутатлари съезди қабул қилган СССР Қонунларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларни СССР Олий Советига тақдим этади;

3) иттифоқдош республикаларнинг Конституциялари ва Қонунлари, СССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг қарорлари СССР Конституцияси ва Қонунларига мос бўлишини кузатиб боради;

4) ўз ташаббуси билан ёки СССР халқ депутатлари съездининг топшириғига, СССР Олий Совети, унинг палаталари, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Олий Советининг Раиси, СССР Олий Совети палаталари доимий комиссиялари ва СССР Олий Совети комитетларининг таклифларига кўра бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг норматив актлари СССР Конституцияси ва Қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг айрим қоидалари СССР Конституциясига ёки қонунларига зид эканлиги аниқланган тақдирда, СССР Конституцион назорат комитети ҳужжатни чиқарган органга йўл қўйилган бузишни бартараф этиш учун ўз хулосасини юборади. Бундай хулосанинг юборилиши СССР Конституциясига ёки қонунига зид бўлган ҳужжатнинг ёки унинг айрим қоидаларининг ижросини тўхтатиб туради.

СССР Конституцион назорат комитети СССР Олий Совети ёки СССР Министрлар Советига ҳисоб берувчи органлар ёки мансабдор шахсларнинг СССР Конституциясига ёки қонунига зид бўлган ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида СССР халқ депутатлари съездига, СССР Олий Советига ёки СССР Министрлар Советига тақдимнома билан кириш ҳуқуқига эга.

СССР Конституцион назорат комитетининг фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолиятнинг тартиби СССРда Конституцион назорат тўғрисидаги қонун билан белгиланади.

**126-модда.** СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети ўзларига ҳисоб берувчи ҳамма давлат органларининг фаолиятини контрол қилиб турадилар.

СССР Олий Совети халқ контроли органлари системасига бошчилик қиладиган СССР Халқ контроли комитетининг фаолиятини йўлга солиб туради.

Халқ контроли органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият тартиби СССРда халқ контроли тўғрисидаги қонун билан белгиланади.

**127-модда.** СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ва улар органларининг фаолият тартиби СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети регламенти билан ҳамда СССР Конституцияси асосида чиқариладиган бошқа СССР қонунлари билан белгиланади».

4. «Суд ва арбитраж» деган 20-бобнинг 152, 153 ва 155-моддалари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«152-модда.** СССРда барча судлар судьялар ва халқ маслаҳатчиларини сайлаб қўйиш асосида тузилади.

Район( шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари тегишли район, шаҳар, шаҳарлардаги район халқ депутатлари Советлари томонидан сайланади. Район (шаҳар) халқ судларининг халқ маслаҳатчилари гражданларнинг улар ишлайдиган ёки яшайдиган жойлардаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўлка, область, шаҳар, округ судлари тегишли халқ депутатлари Советлари томонидан сайланади, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг олий судлари, СССР Олий суди эса тегишли иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари, СССР Олий Совети томонидан сайланади.

Ҳарбий трибуналларнинг судьялари СССР Олий Совети Президиуми томонидан, халқ маслаҳатчилари эса ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида сайланади.

Барча судларнинг судьялари ўн йил муддатга сайланади. Ҳамма судларнинг халқ маслаҳатчилари беш йил муддатга сайланади.

Судьялар ва халқ маслаҳатчилари сайловчилар ёки уларни сайлаган халқ депутатлари Советлари олдида масъулдирлар, уларга ҳисоб берадилар ва қонунда белгиланган тартибда улар томонидан чақириб олинишлари мумкин.

**153-модда.** СССР Олий суди СССРнинг олий судлов органидир ва у СССР судларининг, шунингдек иттифоқдош республикалар судларининг суд фаолияти устидан қонунда белгиланган доирада назорат қилиб туради.

СССР Олий суди раис, унинг ўринбосарлари, аъзолар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади. СССР Олий суди составига лавозими бўйича иттифоқдош республикалар олий судларининг раислари киради.

СССР Олий судини ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби СССР Олий суди тўғрисидаги Қонун билан белгиланади».

**«155-модда.** Судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар.

Судьялар ва халқ маслаҳатчиларига ўз ҳуқуқлари ва бурчларини ҳеч монеликсиз ва самарали амалга ошириш учун шароит таъминланади. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди.

Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг дахлсизлиги, шунингдек улар мустақиллигининг бошқа гарантиялари СССРда судьяларнинг статуси тўғрисидаги қонун билан ва ССР Иттифоқи ҳамда иттифоқдош республикаларнинг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади».

II. СССР Конституциясининг 12, 13 ва 15-боблари янги таҳрирда берилиши муносабати билан СССР Конституциясининг қуйидаги моддаларига улардан келиб чиқувчи ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 77-модданинг биринчи қисми «ССР Иттифоқи ихтиёридаги масалаларнинг» деган сўзлардан кейин «СССР халқ депутатлари съездида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 103-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутат ўз фаолиятида умумдавлат манфаатларига амал қилади, сайлов округи аҳолисининг талаб-эҳтиёжларини, уни сайлаган жамоат ташкилотининг манфаатларини ҳисобга олади, сайловчилар ва жамоат ташкилотининг наказларини амалга оширишга эришади».

3. 104-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«104-модда**. Депутат ўз ваколатларини, одатда, ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятини тўхтатмаган ҳолда амалга оширади.

Халқ депутатлари съезди мажлислари, Олий Совет ёки маҳаллий Совет сессияси вақтида, шунингдек депутатлик ваколатларини амалга ошириш учун қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда депутат ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниб, унинг доимий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади ва бу ҳақ давлатнинг бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади».

4. 105-модданинг 1-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутат тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларга сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Улар сўровга халқ депутатлари съездида, Олий Совет, маҳаллий Совет сессияларида жавоб беришлари шарт».

5. 107-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«107-модда.** Депутат ўз иши, халқ депутатлари съезди, Олий Совет ёки маҳаллий Советнинг иши тўғрисида сайловчилар, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган коллективлар ва жамоат ташкилотлари олдида ёки уни сайлаган жамоат ташкилоти олдида ҳисоб бериб туриши шарт.

Сайловчиларнинг ишончини оқламаган депутат кўпчилик сайловчиларнинг ёки уни сайлаган жамоат ташкилотининг қарори билан қонунда белгиланган тартибда исталган вақтда чақириб олиниши мумкин».

6. 130-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«130-модда.** СССР Министрлар Совети СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети олдида жавобгардир ва унга ҳисоб беради.

Янги тузилган СССР Министрлар Совети ўз ваколатлари муддатига мўлжалланган бўлажак фаолият программасини СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этади.

СССР Министрлар Совети ўз иши тўғрисида СССР Олий Совети олдида мунтазам ҳисоб бериб туради».

7. 131-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР Министрлар Совети ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган ва давлатни бошқаришга оид барча масалаларни ҳал этишга ҳақлидир, чунки бу масалалар СССР Конституциясига кўра, СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ва унинг Президиуми, СССР Олий Совети Раиси вазифасига кирмайди».

8. 133-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«133-модда.** СССР Министрлар Совети СССР қонунлари ҳамда СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг бошқа қарорлари асосида ва уларни ижро этиш юзасидан қарорлар ва фармойишлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини текширади. СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари СССРнинг бутун территориясида ижро этилиши мажбурийдир».

9. 135-моддада.

Учинчи қисмдан «Республикага ва маҳаллий идораларга бўйсунувчи корхоналар ва бирлашмаларни иттифоқ қарамоғига ўтказиш тартиби СССР Олий Совети Президиуми томонидан белгиланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмдаги «СССР қонунлари. СССР Олий Совети ва унинг Президиумининг бошқа қарорлари» деган сўзлар «СССР Қонунлари ва СССР халқ депутатлари съезди ҳамда СССР Олий Советининг бошқа қарорлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 137-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«137-модда.** Иттифоқдош республика давлат ҳокимиятининг олий органи — иттифоқдош республиканинг халқ депутатлари съездидир.

Иттифоқдош республика халқ депутатлари съезди СССР Конституциясига ва иттифоқдош республика Конституциясига биноан иттифоқдош республика ихтиёрига берилган ҳамма масалаларни ҳал этишга ҳақлидир.

Иттифоқдош республиканинг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгаришлар киритиш, иттифоқдош республиканинг иқтисодий ва социал ривожлантириш истиқбол давлат планларини ва энг муҳим республика программаларини тасдиқлаш; иттифоқдош республика Олий Советини, унинг Раисини ва съездга ҳисоб берадиган бошқа органлар ва мансабдор шахсларни сайлаш; халқ овоз бериши (референдуми)ни ўтказиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш фақат иттифоқдош республика халқ депутатлари съезди томонидан амалга оширилади.

Иттифоқдош республика халқ депутатларининг съезди қонунлар ва қарорлар қабул қилади».

11. 138-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«138-модда.** Иттифоқдош республика Олий Совети иттифоқдош республика давлат ҳокимиятининг доимий ишлайдиган қонун чиқарувчи, фармойиш берувчи ва контрол қилувчи органидир. Иттифоқдош республика Олий Совети иттифоқдош республика халқ депутатлари съездига ҳисоб беради.

Иттифоқдош республика Олий Советининг Раиси иттифоқдош республика халқ депутатлари съездига ва Олий Советига ҳисоб беради.

Иттифоқдош республика Олий Советининг унинг Президиумининг, иттифоқдош республика Олий Совети Раисининг ваколатлари иттифоқдош республика Конституцияси билан белгиланади».

12. 139-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иттифоқдош республика Министрлар Совети иттифоқдош республика халқ депутатлари съезди ва Олий Совети олдида масъулдир ҳамда уларга ҳисоб беради».

13. 143-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«143-модда.** Автоном республика давлат ҳокимиятининг олий органи — автоном республика халқ депутатларининг съездидир.

Автоном республиканинг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартишлар киритиш; автоном республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш истиқбол давлат планларини ва энг муҳим республика программаларини тасдиқлаш; автоном республика Олий советини, унинг раисини ва съездга ҳисоб берадиган бошқа органлар ва мансабдор шахсларни сайлаш фақат автоном республика халқ депутатлари съезди томонидан амалга оширилади.

Автоном республика халқ депутатларининг съезди қонунлар ва қарорлар қабул қилади».

14. 144-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«144-модда.** Автоном республика Олий Совети — автоном республика давлат ҳокимиятининг доимий ишлайдиган қонун чиқарувчи, фармойиш берувчи ва контрол қилувчи органидир. Автоном республика Олий Совети автоном республика халқ депутатлари съездига ҳисоб беради.

Автоном республика Олий Советининг Раиси автоном республика халқ депутатлари съездига ва Олий Советига ҳисоб беради.

Автоном республика Министрлар Совети автоном республика халқ депутатлари съезди ва Олий Совети олдида масъулдир ҳамда уларга ҳисоб беради».

15. 149- ва 150-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«149-модда.** Халқ депутатлари ўлка, область, автоном область, автоном округ, район шаҳар, шаҳарлардаги район Советларининг ишини уларнинг Советлари раислари бошчилик қиладиган президиумлар, посёлка ва қишлоқ Советларида эса ана шу Советларнинг раислари ташкил этади.

**150-модда.** Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижро этувчи ва бошқарувчи органлари — улар сайлайдиган ижроия комитетларидир.

Ижроия комитетлари уларни сайлаган Советлар олдида, шунингдек меҳнат коллективларининг йиғилишларида ҳамда гражданларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишларда йилига камида бир марта ҳисоб берадилар.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ўзларини сайлаган советга ҳам, юқори ижро қилувчи ва фармойиш берувчи органга ҳам бевосита ҳисоб берадилар».

16. 165-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«165-модда.** СССР Бош прокурори СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети олдида масъулдир ва уларга ҳисоб беради».

17. 174-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«174-модда.** СССР Конституцияси СССР халқ депутатлари съездида СССР Халқ депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмини ташкил этган кўпчилик қабул қилган қарор билан ўзгартирилади».

